

# Ҳалқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2013 йил 30 январь, № 20 (5694) Чоршанба


# ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!








Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

### Шукуҳ

*Олтиариқда икки ойча юриб, Президентимиз Фарғонада бўлиб қайтгач, вилоятда ўзгача бир кўтаринкилик юзага келганлигининг гувоҳи бўлдим. Кўтаринкилик эса, энг оддий одамларнинг тобора ёришиб бораётган кўнглидан бошланади, одатда.*

## Кўтаринки кўнгиллар

Кўча-кўйдаги, маҳалла чойхоналаридаги, тўй-тўйчиқлардаги гурунгларда Юртбошимизнинг халқ депутатлари вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаси асосий мавзуга айланиб бораётган эди. Бунинг бир сабаби, замирида Фарғона аҳлига нисбатан катта ҳурмат ва меҳр порлаб турган оташин сўзлар бўлса, иккинчиси, бу ўлкани янада кўркам, обод қилишга, фанмаданиятни гуллатиб-яшнатишга, халқ хўжалигининг барча соҳаларини юксалтиришга, юз минглаб ишчи ўринлари ташкил этишга қаратилган режалар баён қилинганида эди. Мамлакати эртага бугунгидан файзлироқ бўлишига имон келтирган эл ҳеч қачон меҳнат қилиб чарчамайди, юрт осмони тиниқлигича тураверишни йўлида етарлича ишлар қилинаётганини сезиб турган кишиларнинг юмуши баракали бўлади. Буни англаш учун теварагимиздаги юртдошларимизнинг сўзларига қулоқ солиб, мағзини чақиб кўриш, кифоя.

Фермер Лолахон Муродовага ўхшаганлар мамлакатимизнинг баланд салоҳиятидан, имкониятлари катталигидан севинади:

— Сессияда Президентимизнинг қишлоқ хўжалигини янги босқичга кўтариш, фермер хўжаликларининг иш унумини оширибгина қолмай, янгитдан тузилган Кенгаш кўмагида уларнинг оғирини борган сайин енгиллатишга эришиш лозимлиги тўғрисидаги сўзлари руҳимизни жуда кўтариб юборди. Давлатимиз шундайин ҳам мушкулимизни осон қилишга доим уриниб келяпти. Бир мисол айтсам, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган ниҳоятда кенг кўламли ишларнинг ўзини қишлоқ хўжалигидаги туб бурилиш деса бўлади.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● Самарқанд шаҳрида вилоят ва туман солиқ идоралари ходимлари, молия ва иқтисодиёт соҳаси раҳбарлари ҳамда кичик бизнес субъектлари вакиллари иштирокида минтақавий ўқув-семинар ўтказилди. Унда жорий йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, ишбилармонлар ва ҳамда жисмоний шахсларга берилган енгилликлар ҳақида сўз борди.

**● Нукус шаҳрининг Дўстлик шоҳкўчасида “Мамир хазинаси” масъулияти чекланган жамияти бинокорлари томонидан 12 хонадонга мўлжалланган кўп қаватли бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эътиборли жиҳати, ушбу турар-жойлардан Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйининг 5 нафар тарбияланувчисига ҳам хонадон ажратилди.**

● Жиззахда вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги наркотик моддаларни назорат қилиш минтақавий комиссиясининг 2012 йил якунларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда минтақавий комиссия аъзолари, ҳудудий комиссиялар раислари, соҳага алоқадор бошқарма ва идоралар раҳбарлари, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

**● Ангор туманидаги “Таллимарон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида фермер Мурод Бобомуродов томонидан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари қурилиб, ишга туширилди. Мазкур лойиҳа “Бобомуродов Қувондиқ” фермер хўжалигининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилди.**

**«Ҳалқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

## Ўз овозинг, ўз сўзинг, ўз йўлинг бор дунёда

*Мумтоз адабиётимизда “вақт югурик тулпордай” деган ибора учраб туради. Вақт ўтиб, замон айланиб, ана шу “югурик тулпор” сифатини “чақмоқдай тезкор” деб ифодаласа, ҳаётийроқ чиқади. Агар Ер шари бино бўлган даврдан буёғини бир кеча-кундуз деб олсак, ундаги инсоният ҳаёти бор-йўғи беш сонияни ташкил этаркан. Чамалаб кўрсанг, йигирма йил дегани нима гап? Лекин ана шу даврнинг салмоғини ўйлаб кўринг-а. Исталган жабҳадаги ўзгариш, янгиланиш, юксалиш, ислоҳни кўз олдингизга келтирсангиз, беихтиёр “э-ҳе” деб юборасиз. Келинг, биргаликда тинчлик-осойишталик таянчи бўлган армиямиз ҳаётига назар ташлайлик.*

### Ғурур

Эсингизда борми, ўша саксонинчи йилнинг миёнасида “байналмилал бурч”ини ўташда ҳалок бўлган “афғончилар” қаторида шўронинг “қардош” ҳудудларидан ҳам қўша-қўша темир тобутларни кутиб олганимиз. Бу жувонмарг йигитлар ёлғон сиёсатнинг, пуч ғоянинг, зўравон муҳитнинг, миллатчиликнинг қурбонлари эди. Жигарбандига “ризқинг узилмасин, болажоним” деган хавотир-ҳадикда нон тишлатган муштипар оналар фарзандини армияга эмас, ажал оғзига жўнатаётгандай жон ҳовучлаб қоларди. Ана шу ўринда қизил империянинг тили билан дили, иши билан амали бошқа-бошқа эканлигини, аслида армия ҳеч қачон халқ билан бир бўлмаганлигини, баландпарвоз шиорлар фақат ёзувлардагина ифода топганини ёдга олиш етарли.

Бугун ҳарбий қисмларга кириб боракансиз, миллий армиямизнинг йўлбарсюрак, арслонкелбат йигитлари гурс-гурс қадам ташлаб, ғурур ва ишонч билан саф тортиб бораётганини, энг муҳими, улар ким учун ва нима учун камарбаста эканини чуқур англаб хизматга келганини кўриб, кўнглингиз ёришади, юз-кўзларидаги ишонч ва қатъият сизга ҳам кўчади. Отув майдонида нишонга бехато урган, оғир машқларни енгил бажараётган, мураккаб техника воситаларини мароқ билан бошқараётган аскарга қараб “Баракалла, отангга раҳмат”, дейсиз.

Биласиз, Президентимизнинг 2012 йил 24 октябрдаги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузурида Жамоатчилик кенгаши ташкил этилди. Айтиш мумкинки, мазкур кенгаш маслаҳат берувчи орган ҳисобланади ва фаолиятини жамоатчилик йўли билан амалга оширади. Жумладан, мудофаа ва ҳарбий қурилиш соҳасига оид масалалар юзасидан жамоатчилик томонидан билдирилган фикр-мулоҳазаларнинг мониторингини юритади ва таҳлил қилиб боради. Ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий-маиший ҳамда хизмат шароитларини яхшилаш, резервга бўшатилган шахсларни ижтимоий муҳофаза қилишга қаратилган давлат дастурларининг амалга оширилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланишини назорат қилади. Бўлинма ва ҳарбий қисмларда соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак ахлоқ ва маданият сақланишини таъминлаш мақсадида тарғибот-тушунтириш ишларини олиб боради, Мудофаа вазирлигининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади. Кенгашнинг ижодий уюшмалар, жамғармалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари, олий ҳарбий таълим муассасалари, оммавий ахборот воситалари вакиллари, маданият, санъат, фан ва спорт намояндаларидан таркиб топгани кўзда тутилган вазифаларни изчил бажариш имконини беради. Бунинг учун унинг аъзоларига кенг ваколатлар берилган. Масалан, улар ҳарбий қисм ва бўлинмаларда бўлиб, шахсий таркибнинг ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилинаётгани, ҳарбий қисмда қарор топган ҳуқуқий тартибот ва ҳарбий интизом ҳолати билан бевосита танишиши, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашиб, уларнинг ўй-фикрлари, муаммо ва истакларини ўрганиши мумкин.

(Давоми 4-бетда).

## Токиода бўлиб ўтган тадбир «Обод турмуш йили» мавзуига бағишланди

*Токиода 2013 йил Ўзбекистонда “Обод турмуш йили” деб эълон қилинишига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.*

### Эътироф

Мамлакатимизнинг Япониядаги дипломатия ваколатхонаси ва “Япония — Ўзбекистон” дўстлик уюшмаси ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда Кунчиқар мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари иштирок этди.

Брифингда қатнашчиларга Ўзбекистон Республикасида мамлакатнинг барқарор тараққиёти ва гуллаб-яшнашини таъминлашга, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга йўналтирилган ижтимоий-сиёсий ҳамда иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши жараёнлари хусусида атрофлича маълумот берилди. Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, жамиятни демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизациялаш юзасидан ислоҳотлар олиб борилишини таъминлашга ҳар томонлама қодир бўлган самарали давлат бошқаруви тизими яратилди.

(Давоми 2-бетда).

## Эл саломатлиги, фарзандлар камоли

мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади

*Инсон — энг олий қадрият. Унинг ҳаёти, саломатлиги ҳамма нарсадан устун. Шу боис Президентимиз аҳоли саломатлигини янада яхшилаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш нақадар долзарб аҳамиятга эга эканини юртимиз истиқлол арафасида турган мураккаб даврдаёқ алоҳида таъкидлаган эдилар. “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” номли асарни ўқир эканмиз, Юртбошимизнинг ана шу оқилона сиёсати мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ англаб етамиз.*

### Ислоҳот

Ростдан ҳам, мустақилликка эришгунимизга қадар бўлган аянчли ҳолатни кўпчилик ёши катталар яхши эслашади. Эскирган жиҳозлар, совуқ ва санитария талабларига жавоб бермайдиган хоналардан иборат тиббиёт муассасаларида ишлашнинг ўзи бўлмас эди. Айниқса, ҳомиладор аёллар ана шундай аҳволдаги шифохонага боришдан кўра, уйида туғишни афзал билиб, бунинг оқибати аянчли якун топган ҳолатлар ҳам кўп учрарди. Ҳатто, янги туғилган чақалоқларни парваришлашда ҳам номақбул ёндашувлар мавжуд эди. Яъни бола туғилган заҳоти онасидан ажратилар, натижада гўдакларда ҳар жиҳатдан нуқсонлар пайдо бўларди.

Мустақиллигимиз шарофати билан тиббиёт тизимини ислоҳ қилиш жараёнида бундай ҳолатлар бутунлай барҳам топди.

(Давоми 2-бетда).



## Хизмат кўрсатиш кўлами кенгаймоқда

**2012 йилда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилган хизматлар ҳажми қарийб**

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

**15**

**фоизга ўсди.**

**Соҳанинг юқори технологияга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос бўлган турларини жадал ривожлантириш натижасида ана шундай юқори ўсиш суръати таъминланди.**



# Кўтаринки кўнгиллар

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бундай улкан ишни давлат ҳисобидан амалга оширишга камдан-кам мамлакатнинг кучи етади. Қолаверса, вилоят ҳокимидан тортиб, маҳаллий раҳбарларгача даламизга тез-тез келиб туришибди, бирор нарсага зориқиш сезсак, ўрнида муҳайё қилишади. Натижада ҳосилдорлик юксалиб бораяпти, даромадимиз ошаяпти, кўпроқ иш ўринлари яратиб, мўмайроқ ҳақ тўлаш имкони туғилаяпти.

Бошқа бировлар Президентимизнинг тинчлик ва унинг қадр-қиммати, халқимизга хос чиройли фазилатлар ҳақидаги сўзларини эслаб, ҳаётдан мисол келтира бошлайди.

— Юртдаги хотиржамликнинг қадрига етиш учун хориждан келганларнинг кўзи билан қарашга тўғри келаркан баъзан, — дейди миришкор боғбон Абдураҳим. — Боғим адирликда, пастдан Фарғона — Қўқон йўли ўтган. Бир куни қарасам, юк машинаси йўл четида узоқ тўхтаб қолди. Иссиқда чанқаб кетишгандир деб, чой-нон кўтариб пастга тушиб бордим. Билсам, чет эллик ҳайдовчилар бузилган машинани тузатишаётган экан. Кичкина эътиборимдан суюнишиб, бу юртдаги одамгарчиликка яна бир марта тан бердик, бу ёққа келгунча қанча юртни босиб ўтамиз, бошқа жойларда иложи борича тўхтамай, тезроқ Ўзбекистонга етиб олишга шошамиз, келамизу енгил тортиб, бехавотир дам оламиз, дейишди.

Юртбошимизнинг замон ўзгаргани сайин зукко халқимиз ҳам ортиқча қийинчиликсиз унга мослаша олаётгани, натижада тараққиёт сари йўлимиз баъзи давлатлардагига нисбатан равон кечаётгани борасидаги фикрларини пенсионер Қосим ака ўзича талқин қилган бўлади:



Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар.

— Хусусий мулкчиликка, кичик бизнесга кенг йўл очилгани зап маъқул бўлди-да. Илгари бир жойга бориш учун соатлаб автобус кутардик, энди "Дамас"лар маҳаллалар ичида юриб, арзон нархларда истаган жойингга элтиб қўйяпти. Бири машинасида, бири мотоциклда кўчама-кўча юриб, гуруч-ловия, сабзи-пиёз кабиларни сотади, косиб-ҳунармандлар ҳам молини айланиб юриб сотишяпти, кичик дўкончалар кўпайган сайин, рақобат ошиб, нархлар пасайиб боряпти. Энг муҳими, далага мажбурлаб ҳайдашлардан қутулдик.

Кекса ўқитувчи Эркин ака унинг гапига қўшимча қилади:

— Ҳозирги ёшлар эски замондаги аҳволни кўрмаган, уларга янги давр афзалликларини гапириб, миясини пишитиб туришимиз керак.

Президентимизнинг вилоятда сувга бўлган эҳтиёжни тўлароқ қондириш чораларини кўриш, электр ва газ таъминотини янада яхшилаш, автомобиль ҳамда темир йўл тизимида салмоқли ишларни амалга ошириш борасидаги режалар юзасидан билдирган фикрлари кишиларда алоҳида ёрқин таассурот қолдирди. Булар, чиндан-да, ўта улкан масалалардир. Фарғоналиклар учун сув муваффақиятларнинг ҳал қилувчи омили бўлиб келган. Сиғими 350 миллион куб метрли Марказий Фарғона сув омбори қуриб битказилаётгани пайдо бўлиши мумкин бўлган катта яранинг олдини олганлиги аниқ. Электр энергиясининг мўллиги йирик саноат корхоналаридан тортиб, майда ҳунармандлик тармоқларининг кўпайишигача сабаб бўлади, компьютерлаштириш авж олган ҳар хил муассасалар, билим масканларида унумни оширади. Газнинг ишлаб чиқаришдаги, кундалик турмушимиз юмушларини енгиллаштиришдаги, энг муҳими, эл саломатлигини асрашдаги аҳамияти ҳақида ортиқча тўхталишга ҳожат йўқ. Иссиқ хонадонлар шамоллашдан келиб чиқадиган неча-неча касалликларнинг олдини олиши ҳеч кимга сир эмас. Бу томонга хом ашё, у томонга товар ташиш учун қулай йўллар бўлган жойларга инвестиция кўпроқ оқиб киради. Эндиликда фуқароларимиз савияси ошиб, давлатимиз шу каби йўналишларда амалга ошираётган бирибиридан улкан ишларнинг аҳамиятини чуқурроқ англаб етмоқдалар, танлаган йўлимизнинг тўғрилигига қатъий ишонч ҳосил қилмоқдалар.

Ҳар бир соҳада зафарларга эриша бориш меҳнаткашларнинг шижоати ва ташаббусигагина эмас, жойлардаги раҳбарларнинг омилкорлигига, ташкилотчилигига ҳам бевосита боғлиқ. Бу ҳақда давлатимиз раҳбари шундай деб айтган эдилар: "Биз ҳокимни вилоят ёки туманнинг эгаси деймиз. Эга деган сўз ўзбекчада жуда кенг ва чуқур маънони билдиради. Эга бўлиш — аввало, ҳамма нарсага жавоб бериш, масъулиятни ўз зиммасига олиш демакдир."

Одамларнинг бу ҳикматона сўзлар борасида ҳам ўз қарашлари, кузатишлари бор:

— Президентимиз жойлардаги раҳбарлар доим эл билан бирга нафас олишлари, доим элнинг назарида бўлишлари лозимлигини кўп урғулаб ўтади. Бу гапнинг тагида катта ҳикмат бор, четдан ҳай-ҳай, деб турилса бас, иш ўз-ўзидан кетаверади, деб ўйлайдиган бошлиқдан омад қочади. Қолаверса, кўпни кўрган бир доно отахон: "Худо омад бериб, мансабдор қилган экан, агар у одамларнинг эсида қоладиган, раҳматига сазовор бўладиган ишларни амалга оширмаса, амални увол қилган бўлади", деган экан.

Бугун вилоятини янада обод, янада кўркам, нурафшон манзилга айлантиришга бел боғлаганлар, ғайрат-шижоат кўрсатаётганлар — Фарғонанинг барча ёшу кексаси, аҳли хонадонларнинг бариси, десак, асло муболаға эмас. Зеро, "Ободлик кўнгиллардан бошланади". Бу туйғу кўнгиллардан ўтиб, шаҳару қишлоқларимизга чинакамига гўзал ва тенгсиз чирой бахш этишга ундайди.

Аслида, ҳамма гап мана шунда, ҳар бир фуқаронинг эзгу мақсадлар йўлидаги барча юмушларга камарбасталигида, лоқайдликдан йироқлигида. Дарҳақиқат, элнинг кўнгли кўтаринкидирки, кайфиятида яратувчанликка иштиёқ барқ ураётгандир. Бундай баланд кайфият эса Юртбошимиз белгилаб бераётган улуғвор-улуғвор режаларга жуда-жуда ҳамоҳанг. Бундай кўтаринкилик жонажон Ўзбекистонимизни ўйлаганимиздан-да юксакроқ чўққиларга олиб чиқишга қодир бўлган беқиёс қудратдир. Фарзандларимиз биздан, набираларимиз фарзандларимиздан кўра бахтлироқ бўлиши учун мана шу омил жуда муҳимдир.

Умримиз кўтаринки кўнгилли, очиқ чеҳрали элдошларнинг қуршовида кечишига нима етсин?!

**Анвар ОБИДЖОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

# Токиода бўлиб ўтган тадбир «Обод турмуш йили» мавзуига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Мамлакатда 2013 йил "Обод турмуш йили" деб эълон қилингани мазкур йўналишдаги муҳим қадам бўлгани алоҳида қайд этилди.

Тадбир доирасида ўзбек халқ амалий санъати маҳсулотларининг кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Шу ўринда айтиш жоизки, юртимизнинг кўҳна тарихи ҳамда бой маданиятига япон жамоатчилиги ҳамиша ўзгача қизиқиш ва ҳурмат билан қараб келган. Тарихий-маънавий меросимизга нисбатан ана шундай муносабат мазкур кўргазмада ҳам яққол намоён бўлди.

**Япония Парламенти юқори палатасининг аъзоси, Япониянинг Ўзбекистон Республикасидаги собиқ элчиси Кёко Накаяма** "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан бўлиб ўтган мулоқот чоғида мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг "ўзбек модели" ҳаётга муваффақиятли татбиқ этилиши Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаш йўлини белгилаб берганини таъкидлади. "Шунинг натижаси ўлароқ, Ўзбекистон ҳаётининг барча соҳаларида юқори натижалар қўлга киритилмоқда", деди у, жумладан.

К. Накаяманинг фикрича, юртимизда ўтказилаётган кенг кўламли ислоҳот ва ўзгаришлар барқарор ўсувчанликнинг гаровидир. 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши эса, ҳеч шубҳасиз, аҳоли фаровонлигининг янада юксалишига кўмаклашади.

**Япония Хотин-қизлар ассоциацияси раисининг ўринбосари Томоко Китамура** мазкур брифинг Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамияти асосидаги демократик давлат қурилиши йўлида олиб борилаётган сиёсат билан яқиндан танишиш имконини берганини маълум қилди. "Республика раҳбариятининг фуқароларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган саъй-ҳаракатлари кўламлари "Обод турмуш йили" деб эълон қилинган 2013 йилда янада кенгайишига шубҳа йўқ", деди Т. Китамура.

— Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш ва иқтисодиётни изчил ривожлантириш бўйича ислоҳотлар муваффақиятли олиб борилмоқда, — деди **Марказий Осиё ва Кавказ тадқиқотлари институтининг ижрочи директори Тецуджи Танака.** — Ўтказилаётган ислоҳотларнинг самаралари эса барча соҳаларда, хусусан, мамлакатнинг тобора юксалаётган иқтисодий салоҳияти ва фуқароларнинг изчил ўсиб бораётган турмуш тарзида ўз аксини топмоқда.

Япония пойтахтида бўлиб ўтган мазкур тадбир интиҳосида Токиода тузилган "Гулистон" мусиқа жамоаси аъзоларининг ўзбек куй-қўшиқ ва рақсларидан иборат маданий дастури ҳам намойиш этилди.

**«Жаҳон» АА.**
Токио

# Устувор вазифалар белгилаб олинди

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2012 йилда амалга оширилган ишлар ҳамда истиқболдаги устувор вазифаларга бағишланган кенгайтирилган Ҳайъат мажлиси бўлиб ўтди.*

## Тадбир

Адлия вазири Н. Йўлдошев таъкидлаганидек, ўтган йили адлия органлари томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, 44 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат, шу жумладан, 12 та қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда 1114 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий экспертизадан ўтказилди.

Шунингдек, Президентимизнинг "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ижроси борасида кенг кўламли ишлар бажарилди. Юртимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича тегишли чора-тадбирларни белгилаш ва бу масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида ҳам адлия органлари фаол иштирок этишди. Шу билан бирга, Суд департаменти ҳамда Республика суд-экспертиза маркази фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар кўрилди.

Мажлисда адлия органлари ва муассасалари томонидан йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, қонун ижодкорлиги, вазирлик ва идораларнинг бу йўналишдаги фаолиятига услубий кўмаклашиш, давлат органларининг ҳуқуқий тарғиботга оид фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳуқуқий таълим сифати, ижро интизоми бўйича масъулиятни ошириш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни янада кенгайтириш, тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, юридик хизмат кўрсатиш соҳасида қонунийликни таъминлаш бўйича тегишли тавсиялар берилди.

Тадбирда жорий йилнинг "Обод турмуш йили" деб эълон қилиниши ва Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиққан ҳолда, адлия органлари олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Адлия вазирлиги**
**Ахборот хизмати.**

# Эл саломатлиги, фарзандлар камоли

## мамлакатимиз тиббиёт тизимида амалга оширилаётган эзгу ишларнинг мазмун-моҳиятини ташкил этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1993 йил мустақил Ватанимизнинг илк ордени "Соғлом авлод учун" номи билан таъсис этилди. Табиийки, бунинг замирида мустақил мамлакатимизнинг буюк келажагини яратиш, миллат генофондини асраш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишдек эзгу мақсад мужассам эди.

Президентимизнинг 1998 йил ноябрь ойидаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг қабул қилиниши туфайли тиббиёт, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасида самарали тизим, таъбир жоиз бўлса, ўзига хос миллий модель яратилди. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш чора-тадбирларини изчил амалга ошириш натижасида бирламчи тиббий-санитария ёрдамини кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктлари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмалари, вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказларидан бошлаб, мураккаб юқори технологияли тиббий хизматлар кўрсатувчи Республика ихтисослаштирилган ҳамда шошилинч тиббий марказларигача барча даражаларни қамраб олган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишнинг мукаммал ташкилий тузилмаси шаклланди.

Жумладан, "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури асосида мазкур соҳада улкан ишлар амалга оширилганини мамнуният билан таъкидлашга ҳақлимиз. Хусусан, ўтган йил ҳам аҳоли соғлиғини янада мустаҳкамлаш, айниқса, оналар ва болалар соғлиғини муҳофаза қилиш, даволаш муассасаларини замонавий диагностика ва юксак талабларга жавоб берувчи тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳисобига уларни модернизациялаш, дори-дармон воситалари билан таъминлашни яхшилаш каби қатор масалалар Давлат бюджетида ўз ифодасини топди. Мустаҳкам оила йилида ана шу эзгу мақсад учун Давлат бюджетидан 2,8 триллион сўм ажратилди. Мамлакатимиз тиббиётини янада юксалтиришга хизмат қилаётган бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш учун ўтган йили Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига айлантирилди. Бу фақат ўтган йил давомида Жамғарма маблағлари ҳисобидан 154 та тиббиёт муассасасини қуриш ва реконструкция қилишга 255 миллиард сўмдан ортиқ маблағ йўналтириш, 7,5 минг ўринга мўлжалланган шифохоналарни ва бир сменада 11 минг кишини қабул қила оладиган амбулатория-поликлиника объектларини фойдаланишга топшириш имконини берди. Тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш ускуналари билан жиҳозлаш учун Жамғарма томонидан 8 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

— Бу яратувчилик ва бунёдкорлик ишлари жаҳонда ҳали-ҳануз давом этаётган иқтисодий инқироз даврида амалга оширилаётганлиги билан тарихий аҳамиятга эгадир, — дейди республика соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Марат Ходжибеков. — Чунки Президентимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган миллий тараққиёт йўлимиз нақадар тўғри эканини даврнинг ўзи яна бир бор яққол кўрсатиб берди. Қолаверса, ўтган йилда биргина тиббиёт тизимида юздан зиёд даволаш муассасаларининг қуриб фойдаланишга топширилиши халқимизнинг буюк яратувчилик салоҳиятининг ёрқин намойиши ҳам бўлди.

Кўриб турганингиздек, юртимизда эл соғлиғини янада мустаҳкамлаш, аҳолининг умр кўриш давомийлигини ва турмуш даражасини ошириш борасида улуғвор ишлар қилинмоқда. Хусусан, мамлакатимизда жисмонан соғлом авлодни вояга етказишнинг самарали тизими яратилди.

Бу жараёнда ҳаётга татбиқ этилаётган, миллат генофондини мустаҳкамлашга қаратилган "Соғлом она — соғлом бола" концепцияси ўзининг юксак самараларини бермоқда. Мазкур Дастур асосида ўтган йиллар мобайнида кенг кўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди. Тиббиётимизда янги тизим — замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган скрининг ва перинатал марказларига асос солинди. Республика скрининг маркази ва унинг вилоятлардаги филиалларида перинатал текширув — ҳомиланинг ривожланишини кузатиш, чақалоқлардаги туғма хасталикларни аниқлаш, ирсий ва туғма хасталик билан туғилган беморларга ва ногирон фарзанди бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат ва даволаш хизмати кўрсатилмоқда. Бу она ва бола саломатлигини асраш, соғлом фарзанд туғилиши ва камолга етишини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Тиббий-илмий марказлар ва етакчи тиббиёт масканларида фаолият юритаётган олимлар ва малакали мутахассисларнинг жойларга чиқиб соғломлаштириш ҳафталикларида фаол иштирок этиши аҳоли тиббий маданиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бундай тадбирлар давомида қишлоқ врачлик пунктларида ўн минглаб аҳоли, фертиль ёшидаги аёллар ва ўсмир қизлар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Ўтган йилнинг ўзида 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз.

— Истиқлолнинг илк йилларида фарзанд тарбиялашда асрлар давомида ўтиб келаётган миллий қадрият — болани, аввало, она сути билан боқиш анъанаси ҳам қайта тикланди, — дейди республика Скрининг маркази директори Мадина Шарипова. — Бундан ташқари, юртимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, ҳомиладор аёлларни таркибида соғлиқ учун зарур микронутриентлар мавжуд бўлган махсус поливитаминлар билан таъминлаш орқали соғлом ва баркамол фарзандларни дунёга келтириш лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда. Бундай тажриба жаҳоннинг ҳеч бир мамлакатида учрамайди.

Дарҳақиқат, шундай. Давлатимиз томонидан поливитаминларни харид қилиш учун керакли миқдорда маблағ ажратилиб, ҳар йили қишлоқ жойларда истиқомат қилаётган 400 минг нафар ҳомиладор аёлни соғломлаштириш, оналар саломатлигини мустаҳкамлаш ва болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконияти яратилаётгани эътиборга сазовордир. Ҳозир унни зарур микроэлементлар билан бойитиш, тузни йодлаш дастурлари ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бундай хайрли ишлар самараси ҳамда даволаш ва профилактика хизматларининг ўз вақтида кўрсатилаётгани сабабли, аҳоли ўртасида йод танқислиги ва туғиш ёшидаги аёллар орасида камқонлик касаллиги сезиларли даражада камайди. Мамлакатимизда болаларни ўз вақтида эмлашнинг мукаммал тақвими ишлаб чиқилди. Бу эса, ўз навбатида, полиомиелит, чақалоқлар қоқшоли, дифтерия каби хасталикларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди. Охирги йилларда қизамиқ ва қизилча касалликлари умуман қайд этилмади. Сўнгги ўн йилда эса 10 ёшгача бўлган болаларда вирусли гепатитнинг "В" тури рўйхатга олинмади.

**Соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида жорий йилда давлат бюджетидан**

**3,4**

**триллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.**

Оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом зурриётни дунёга келтириш борасида кўрилаётган бундай кенг қамровли ишлар туфайли мустақиллик йилларида мамлакатимизда оналар ва болалар ўлими уч баробардан зиёд камайди. Бундай кўрсаткич бўйича бугун Ўзбекистон нафақат минтақа, балки дунёдаги етакчи мамлакатлар сафидан жой олди.

Ўзингиз хулоса қилинг: агар оналар ва гўдаклар ўлими 3 баравардан кўпроқ камайган бўлса, юртимиз бўйича қанча она, қанча инсоннинг ҳаёти сақлаб қолинганига амин бўламиз. Бир қарашда оддий кўринган рақамлар негизида мана шундай муҳим ҳаётий масалалар ётибди. Ҳар қандай рақам ортида инсон, унинг тақдири, юртимиз аҳолисининг ҳаёти ва истиқболи билан боғлиқ масалалар бор.

Дарвоқе, бизга алоҳида ифтихор бағишлайдиган яна бир жиҳат, бу — энг ноёб жарроҳлик амалиётларининг ўзбек шифокорлари томонидан муваффақиятли ўтказилаётганлигидир.

— Бугун ўта оғир хасталикларга даво излаб хорижга боришга ҳожат ҳам қолмади, — дейди республика ихтисослаштирилган Хирургия маркази директори ўринбосари Миржамол Зуфаров. — Чунки бу борада биз, тиббиёт ходимлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган. Мутахассисларимиз энг мураккаб амалиётларни, жумладан юрак артмияларининг қийин турларини бартараф этишда кўкрак қафасини очмай туриб, махсус катетерлар ёрдамида юбориладиган ўзига хос радиочастотали тўлқинлардан фойдаланиб, беморларга иккинчи ҳаёт ҳадя этмоқдалар.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Қолаверса, юрак уриши пасайиб кетган беморларга кардиостимулятор қўйиш, юрак ритмини мувозанатга келтиришда кардиоверсия усули ҳам самарали қўлланилаётир. Биласизми, бу каби мураккаб амалиётлар жаҳоннинг саноқли давлатларидагина амалга оширилади, холос.

Дарҳақиқат, ҳозир кўпгина даволаш муассасаларида ангиография, яъни томирларнинг ички ҳолатини ўрганиш усули ҳам мавжуд. Бунда юрак тож томирига контраст суюқлигини юбориш орқали томирларда торайган жойлар бор-йўқлиги аниқланади. Шунга қараб бемор жарроҳлик ёки бошқа бир муолажа йўли билан даволанади. Шуниси ҳам борки, юрак етишмовчилигининг баъзи бир турларида даволашнинг анъанавий услублари кор қилмай қолади. Кардиологияда бундай ҳолат "рефрактер юрак етишмовчилиги" деб юритилади. Айни пайтда бу муаммонинг ечими бўйича ҳам олимларимиз ижобий натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили республика ихтисослаштирилган Хирургия марказида Кардиожарроҳлик мажмуасининг очилиши юрак хирургияси соҳасида янада юқори технологияларни татбиқ қилишга, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам кўламини кенгайтиришга, ихтисослаштирилган кадрларни тайёрлаш учун қулай шароитларни яратишга ва ҳудудий марказлар ривожланишида муҳим аҳамият касб этди.

Шу ўринда кўз касалликлари билан боғлиқ хасталикларни олайлик. Президентимиз ташаббуси билан республика ихтисослаштирилган Кўз микрохирургия маркази ташкил этилди. Бу билан Ўзбекистоннинг ўзига хос офтальмология мактабига асос солинди. Бугунги кунга келиб, ёш ўзбек шифокорлари кўздек энг нозик аъзо билан боғлиқ энг ноёб ва мураккаб жарроҳлик амалиётларини муваффақиятли ўтказиб, ҳаётни тиниқ рангларда кўра олиш бахтидан умидини узган минглаб беморларни дунёни қайта кўришдек буюк бахтга мушарраф этишмоқда. Тақдир тақозоси билан ҳаётдан тўла баҳра ололмаётган беморларга ана шундай шодлик туйғусини ҳадя қилаётганларнинг хизмати ҳар қанча таҳсинга лойиқ, албатта. Бу ўзбек шифокорларининг кардиохирургия ва офтальмология соҳаларида эришаётган ютуқлари, холос. Ваҳолонки, хирургия, травматология, урология, педиатрия, терапия, стоматология, пульмонология, гематология каби кўплаб йўналишлар борки, очиғи, бу борада ҳам мутахассисларимиз қўлга киритаётган ютуқлар, чиндан-да, ҳайратланарли.

— Биз беморларимиз билан суҳбатлашганда, "Умрингиздан барака топинг", "Қўлингиз дард кўрмасин", "Бола-чақангизнинг роҳатини кўринг", деган сўзларни кўп эшитамиз, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, тиббиёт фанлари доктори Холиджон Комилов. — Бундай сўзлар ҳар бир шифокорга, ҳар бир тиббиёт ходимига ҳар куни минг-минглаб инсонлар томонидан айтилади. Ўз умрини инсон саломатлигини асрашдек дунёдаги энг улуғ, энг савобли ишга бағишлаган шифокорлар бундай меҳрга, бундай миннатдорлик сўзларига муносиб, албатта. Лекин халқимизнинг, юртдошларимизнинг ана шундай миннатдорлик сўзларига, аввало, бизнинг ҳамкасбларимиз учун энг замонавий биноларда, энг қулай шароитларда, энг илғор жиҳозлар билан ишлаш учун барча-барча имкониятларни яратиб бераётган давлатимиз раҳбари муносибдир. Чунки бундай беқиёс ғамхўрлик ва эътибор бўлмаса, биз халқимизга талаб даражасида хизмат кўрсата олармидик? Албатта, йўқ.

Дарвоқе, соғлиқни сақлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг кўлами кенг. Юз бераётган барча ўзгаришларга бутун жамоатчилик гувоҳ. Биз мустақиллигимиз шарофати билан Президентимизнинг инсон манфаатлари, миллатни янада соғломлаштиришга, баркамол авлодни тарбиялашга чексиз эътибор ва ғамхўрлиги, мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар боис ана шундай беқиёс имкониятларга эга бўлдик. Табиийки, истиқболдаги режалар бунданда кўп. Соғлиқни сақлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида жорий йилда Давлат бюджетидан 3,4 триллион сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда. Бундан ташқари, Обод турмуш йилида Таълим ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармаси ҳисобидан соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш мақсадларига қарийб 312 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилмоқда.

Яна бир янгилик. 2013 йилда "Саломатлик-3" лойиҳаси доирасида юртимизнинг барча туман ва 15 та шаҳар марказий шифохонаси, 38 та шаҳар кўп тармоқли ва 115 та оилавий поликлиникага энг замонавий рентген аппарати, рақамли ультратовуш сканери, биохимик анализатор, кўп функцияли бемор монитори каби жами 186 миллион АҚШ доллари миқдоридаги 96 турдаги энг замонавий тиббий асбоб-ускуналарни етказиб бериш бошланади.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрда "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилиниши тиббиёт соҳасида янада жиддий янгиланишлар сари ташланган муҳим қадам бўлди. Ушбу ҳужжатда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, тиббиёт муассасалари фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий талаб ва андозаларга мувофиқ, аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатишни таъминлаш, республика соғлиқни сақлаш тизимида бошқариш ва меҳнатни ташкил қилишнинг илғор шакл ҳамда услубларини жорий этиш билан боғлиқ қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Шубҳа йўқки, мазкур тарихий ҳужжат тиббиёт соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Зотан, мамлакатимизда инсон саломатлигини асраш устувор вазифа сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган экан, бу борадаги саъй-ҳаракатлар ҳар бир тиббиёт ходимини янада фаолликка ундайверади.

**Фурқат САНАЕВ.**

Реклама ўрнида

# Qishloq Qurilish Bank

## «Қишлоқ қурилиш банк»:

# БУНЁДКОРЛИК ВА ФАРОВОНЛИККА ЙЎНАЛТИРИЛАЁТГАН САРМОЯЛАР

*Барчамизга аёнки, глобал жаҳон инқирози ва унинг жиддий муаммоларига қарамасдан, 2012 йилда мамлакатимизда иқтисодий ривожланиш барқарор суръатлар билан давом эттирилди. Аҳоли турмуш даражаси изчил юксалиб, республикамизнинг дунё бозоридаги нуфузи ҳамда позицияси янада мустаҳкамланди. Булар ҳақида давлатимиз раҳбари 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида алоҳида тўхталиб ўтди.*

Шубҳасиз, ҳар биримизга ифтихор ва ғурур бахш этадиган бундай юксак натижалар муҳтарам Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидаёқ узоқни ўйлаб ишлаб чиқилган ва ҳаётга татбиқ этилган тараққиётнинг “Ўзбек модели” шарофатидандир.

Зеро, юртимиз равнақи ва элимиз фаровонлигини пировард мақсад сифатида ўзида ифодалаган мазкур модель замирида, энг аввало, инсон ҳамда унинг қонуний манфаатларини тўлиқ рўёбга чиқариш ўз инъикосини топган. Ушбу жараёнда республикамиз банк тизимининг фаол иштирок этиши учун барча шарт-шароит ҳамда қулайликлар яратиб берилмоқда. Пировардида жаҳоннинг кўплаб ҳудудларида кузатилаётган рецессия шароитидан қатъи назар, унинг юқори кўрсаткичларга эришиши таъминланмоқда.

Шундай экан, мамлакатимизда ижобий халқаро рейтингга эга бўлган молия муассасалари сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани, соҳада эришилаётган салмоқли ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, экспертлари томонидан алоҳида эътироф этилаётгани бежиз эмас.

“Қишлоқ қурилиш банк” фаолияти билан яқиндан танишиб, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилиш мумкин. Маълумки, ушбу молия муассасаси бундан тўрт йил олдин Юртбошимиз ташаббуси билан “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат дастури доирасида ташкил этилган эди. Ўтган қисқа вақт давомида у давлатимиз раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари ҳамда ҳукумат томонидан қабул қилинган қарорларда белгиланган вазифаларни ижро этишга устувор аҳамият қаратиб, муайян ютуқларга эришди. Ўтган йилги кўрсаткичлар бунга ёрқин мисолдир.

**ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк”нинг асосий кўрсаткичлари ўсиши динамикаси (млрд. сўм миқдорида)**




### Капиталлашув даражасини ошириш борасида

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, банк ўз фаолиятини бошлаганда, унинг олдига бир қатор вазифалар, шу жумладан, тасдиқланган намунавий лойиҳалар асосида қишлоқ жойларда аҳоли учун уй-жойлар қурилишини молиялаштиришни ташкил этишга оид устувор вазифалар қўйилган эди.

“Қишлоқ қурилиш банк” ушбу эзгу юмушни самарали бажариш учун мустаҳкам ресурс базаси, биринчи галда, капитал ҳажмини ошириш масаласига асосий эътиборни қаратди. Табиийки, бу беиз кетмади: 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, унинг шаклланган устав капитали 181,1 млрд. сўмни ташкил этди. Айни чоғда ўтган йилнинг декабрь ойида ўтказилган банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида банк устав капиталини қўшимча 4,5 млрд. сўмга ошириш тўғрисида қарор ҳам қабул қилинди.

Эътиборлиси, мазкур йўналишда олиб борилган оқилона саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, йил якунлари бўйича банкнинг регулятив капитали 260 млрд. сўмдан ортди. Мазкур миқдор эса банк капиталига нисбатан қўйилган халқаро ва миллий меъёрларга нисбатан юқори эканлиги қувонарлидир.

Ўз навбатида, банклар томонидан тўланадиган айрим турдаги солиқлар бўйича “Қишлоқ қурилиш банк”ка бир қатор имтиёзлар берилгани ва улардан самарали фойдаланилгани бу борада жуда қўл келаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Гап шундаки, Президентимизнинг тегишли қарорига мувофиқ, “Қишлоқ қурилиш банк” 2016 йилнинг 1 январига қадар фойда ва мулк солиғи, шунингдек, хориждан олиб келинадиган банк жиҳозлари ва техникаси учун божхона тўловлари тўлашдан озод этилган. Ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан банк устав капиталидаги улушини оширишга мақсадли йўналтирилиши эса банкнинг капиталлашув даражасини янада кўпайтириш имконини бермоқда. Жумладан, 2012 йил давомида мазкур имтиёздан фойдаланиш эвазига йиғилган 4,0 млрд. сўмлик маблағ ҳам банк устав капитали ҳажмини қўшимча орттиришга йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

### Ресурс базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар

Амалга оширилган ишлар, албатта, ижобий натижалар бермоқда. Чунки давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, банк томонидан ресурс базаси активларни ошириш борасида белгиланган режалар ҳисобот даврида ҳам изчил амалга оширилди. Самарадорлик эшикларини кенг очишда эса банкнинг ресурс базасини мустаҳкамлаш бўйича қатъий депозит сиёсати юритилгани катта аҳамият касб этди.

Жумладан, йил охирига келиб, банкнинг умумий депозитлари ҳажми 1 350,9 млрд. сўмни ташкил этгани ҳолда, унинг таркибида аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг депозитлари қолдиғи 319,3 млрд. сўмдан ортди. Шунингдек, ўтган ҳисобот йили якунида банкнинг 30 млрд. сўмлик узоқ муддатли депозитлари чиқарилган бўлиб, улар бугунги кунда мижозлар орасида жойлаштирилмоқда.

Шу билан бирга, Президентимизнинг 2012 йил 11 январдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасини кўп траншли молиялаштириш дастурини амалга ошириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори талабларини бажариш ҳам банкнинг диққат марказида бўлди. Хусусан, Осиё тараққиёт банкининг “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини молиялаштириш” лойиҳаси кредит линияси доирасида 159,6 млн. АҚШ доллари ёки 303,4 млрд. сўм миқдорида маблағ ўзлаштирилди.

### Банк активлари барқарор ўсди

Бунда унинг мамлакатимиз молиявий хизматлари бозорида универсал банк сифатидаги фаолияти кенгайгани, ўз мижозларига самарали ва намунали хизмат кўрсатиш, банк хизматлари сифатини замон талаблари даражасига кўтариш юзасидан изчил фаолият олиб боргани муҳим омил бўлди.

Бугунги кунда банкнинг 42 та филиали ва 270 дан ортиқ хизмат кўрсатиш шохобчалари орқали 330 мингдан ортиқ юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламли молиявий хизматлар кўрсатиб келинаётир.

2013 йилнинг 1 январига келиб, банкнинг соф активлари ҳажми 1637,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йил давомида ушбу кўрсаткич 35 фоизга ўсганининг боиси ҳам шунда.

### Кредитлаш амалиёти эса янада кенгайди

Бошқача айтганда, банкнинг капиталлашув даражаси ва депозитлар ҳажмининг ўсиши актив операциялар ҳажмини ошириш, хусусан, кредитлаш имкониятларини самарали кенгайтиришга мустаҳкам замин яратаяпти.

Мисол учун, ўтган йили ҳам молия муассасаси асосий даромад манбаи ҳисобланган банк активлари ҳажми, таркиби ва даромадлилигини оширишга алоҳида эътибор қаратди. Айниқса, бунда йирик корпоратив мижозлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ўз натижасини берди. Банкнинг кредит қўйилмалари ўтган йил бошидагига нисбатан 155,2 фоиз ёки 504,1 млрд. сўмга ошиб, жорий йил 1 январь ҳолатига кўра, 1420,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Жами кредит қўйилмаларининг 97,5 млрд. сўми ёки 6,9 фоизи саноат, 82,1 млрд. сўми ёки 5,8 фоизи савдо ва умумий овқатланиш, 97,1 млрд. сўми ёки 6,8 фоизи қурилиш ва транспорт, 42,4 млрд. сўми ёки 2,9 фоизи қишлоқ хўжалиги тармоқларига йўналтирилган бўлса, 1 010,9 млрд. сўми имтиёзли ипотека кредитлари ва 88,1 млрд. сўми иқтисодиётнинг бошқа турли соҳаларини молиявий қўллаб-қувватлашга ажратилди.

Бундан ташқари, ҳисобот даврида банк томонидан иқтисодиётга йўналтирилган кредитлар ҳажмини ошириш ва банкнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини янада кенгайтириш борасида муайян ишлар олиб борилди. Пировардида ўтган йилда жами ажратилган кредитлар миқдори 838,5 млрд. сўмни ташкил этди.

Мижозларга тақдим этилган кредитларнинг муддати ҳам жозибадор бўлди. Ҳисобот йили якунларига кўра, жами кредит қўйилмаларининг 92,5 фоизи ёки 1 055,8 млрд. сўми узоқ муддатли ҳамда 106,8 млрд. сўми ёки 7,5 фоизи қисқа муддатли кредитлар эканлиги бунинг тасдиғидир.

### Давлат дастурлари ижроси ҳам доимий эътиборда

Гап шундаки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, жумладан, соҳадаги субъектлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш, сифатли банк хизматларини таклиф этиш борасида муайян тадбирлар ҳаётга жорий қилинмоқда. Хусусан, “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан ёш авлоднинг бизнес ғояларини рағбатлантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари, оиласи бюджетига ҳисса қўшишларига яқиндан кўмак берилаяпти. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, республика Савдо-саноат палатаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази тижорат банклари билан биргаликда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ўртасида “Менинг бизнес ғоям” танловини ташкил қилиш тўғрисида келишув имзолангани бунинг яққол далилидир.

**Муомалага чиқарилган пластик карточкалар**




Ўтган йили ўтказилган мазкур танлов натижаларига кўра, ғолиб чиққан 15 нафар коллеж битирувчисига уларнинг 140,7 млн. сўмлик лойиҳаларини имтиёзли шартларда молиялаштириш учун “Қишлоқ қурилиш банк”нинг сертификатлари топширилди.

Ҳисобот даврида, шунингдек, кичик бизнес вакилларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан ажратилган кредитлар йил бошидагига нисбатан 60,8 млрд. сўмга ортиб, 238,8 млрд. сўмни ташкил этди. Банк томонидан барча манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар эвазига эса 7757 та иш ўрни яратилиб, аҳолининг ижтимоий бандлиги янада мустаҳкамланди.

Айни чоғда, банк филиаллари томонидан 2012 йилда аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида ажратилган микрокредитлар миқдори 57,0 млрд. сўмга етди. Бу 2011 йилдагига нисбатан 1,3 баробар зиёддир.

Юртбошимизнинг 2009 йил 26 январдаги “Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга лойиқ. Сабаби, республикамиз аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технология билан жиҳозланган қайта ишловчи ихчам корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш жойлари ташкил қилиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида банк томонидан қарийб 37,1 млрд. сўмлик кредитлар ажратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги “Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан эса, банк томонидан рақобатбардош, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан бойитиш, тайёр ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчи янги, маҳаллий корхоналарни ташкил этиш ҳамда мавжудларини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун ўтган йили ажратилган кредитлар ҳажми 50,3 млрд. сўмни ташкил этиб, аввалги йилдагига нисбатан 13,8 млрд. сўм ёки 1,4 баробарга ортди.

Ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш, уларни қулай ва шинам уй-жой билан таъминлаш мақсадида 2012 йилда жами 34,4 млрд. сўм миқдорида ипотека кредитлари берилди.

Ўсиб келаётган навқирон авлоднинг маънавий етук ва ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишлари, билим олиш имкониятларини кенгайтириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилиб, ҳисобот даврида олий ўқув юртларига контракт тўлови асосида қабул қилинган ёшларга 2,6 млрд. сўм миқдорида таълим кредитлари ажратилди. Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятларини ташкил этиш, ўз бизнесларини йўлга қўйишлари ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ лойиҳаларини молиялаштириш учун эса 2,9 млрд. сўм миқдорида имтиёзли микрокредитлар тақдим этилди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан тайёрланган ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар, шу жумладан, мебель, мураккаб маиший техника ва бошқа буюмларни харид қилиш мақсадида 14,8 млрд. сўм миқдорида истеъмол кредитлари йўналтирилгани аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада яхшилашга хизмат қилган бўлса, оилавий тадбиркорлик, шу жумладан, тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлашга банкнинг 25,2 млрд. сўмлик кредит маблағлари ажратилгани оилалар фаровонлигини юксалтиришда салмоқли роль ўйнади.

### Молия муассасасининг инвестицион фаоллиги ҳам ошиб бормоқда

Натижада “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан иқтисодиётнинг реал секторига тегишли лойиҳаларни молиялаштириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Масалан, корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш мақсадларига 110,6 млрд. сўмдан ортиқ инвестиция кредитлари ажратилди.

Шунинг ҳисобига 965 та иш ўрни очилдики, бу аҳолининг моддий фаровонлигини янада юксалтириш имконини берди.

### Мижозларнинг энг яқин мададкори

Хабарингиз бор, Президентимизнинг 2009 йил 3 августдаги “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида 2009 йилдан буён намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши бошланган эди. Бугунги кунда ушбу жараён ҳажм ва сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. “Қишлоқ қурилиш банк” бу борада фаол иштирок этиб келаётгани эътиборлидир. Хусусан, 2009 — 2011 йиллар давомида 15 047 та уй-жой қурилиши учун аҳолининг 405,2 млрд. сўмдан зиёд маблағлари ҳамда банкнинг марказлаштирилган маблағлари ҳисобидан қарийб 650,9 млрд. сўмлик имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Айтиш керакки, бу борада Юртбошимизнинг 2012 йил 11 январдаги “Осиё тараққиёт банки иштирокида “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасини кўп траншли молиялаштириш дастурини амалга ошириш бўйича дастлабки чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори билан “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасини молиялаштириш режаси, шунингдек, 2012 — 2015 йилларда “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури тасдиқлангани катта аҳамият касб этди.

Боиси мазкур Дастур бўйича Осиё тараққиёт банки кредит линияси ҳисобидан 159,6 млн. АҚШ доллари ёки 303,4 млрд. сўм миқдорида маблағ қишлоқ жойларда намунавий уй-жой қурилиши учун йўналтирилди.

Президентимизнинг 2012 йил 14 январдаги “2012 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш Дастури тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса 2012 йилда республикамизнинг 272 та қишлоқ массивида 8510 та намунавий уй-жойларни қуриш ишлари якунига етказилмоқда. Уларнинг умумий қиймати 905,9 млрд. сўмга тенг бўлиб, шундан 535,4 млрд. сўмини “Қишлоқ қурилиш банк”нинг имтиёзли ипотека кредитлари ва 370,5 млрд. сўмини аҳолининг маблағлари ташкил этди.

Айни пайтда, Президентимизнинг 2013 йил 4 январдаги “2013 йилда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойларни қуриш дастури тўғрисида”ги қарорига кўра, бу йил намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникациялари, ижтимоий ва бозор инфратузилмаси объектларини қуриш дастури маъқулланган. Унга мувофиқ, жорий йилда республикамиз ҳудудларида умумий майдони 997,1 гектарни ташкил этувчи 353 та массивда 10 мингта уй-жой қурилиши кўзда тутилмоқда. Уларнинг 8 510 таси Осиё тараққиёт банкининг кредит линияси, 1 490 таси эса банкларнинг имтиёзли ипотека кредитлари ва Молия вазирлигининг мақсадли кредит линияси ҳисобидан бунёд қилинади.

**Намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойлар сони динамикаси**




### Ҳамкорлик алоқалари ва ташқи иқтисодий фаолият ривожланишда давом этмоқда

Банк хорижий ва республикамизнинг етакчи молиявий институтлари билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйгани мижозларга халқаро ҳисоб-китоблар борасида кенг кўламли хизматларни таклиф қилиш, уларга чет эллик шериклар билан янада қулай шартларда муносабатлар ўрнатишда айни муддао бўлаётир.

Айтайлик, 2012 йил 3 апрелда “Қишлоқ қурилиш банк” ва “Хусусий секторни ривожлантириш Ислом корпорацияси” ўртасида имзоланган қўшимча келишувга асосан, жами 11,0 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит линияси очилиб, якунда 7,1 млн. АҚШ доллари ўзлаштирилди. Халқаро Тараққиёт ассоциацияси билан имзоланган келишув доирасида эса, жами 4,5 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган бўлиб, ҳозирга қадар унинг 3,4 млн. АҚШ доллари миқдоридаги қисми ўзлаштирилди.

**Банк томонидан жойлаштирилган терминаллар**




Мижозларнинг экспорт ва импорт шартномалари бўйича хизмат кўрсатиш борасида ҳам банк томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2012 йил давомида жами 1 959,7 млн. АҚШ долларилик 119 та экспорт шартномаси рўйхатга олинган бўлса, улар бўйича жами 57,9 млн. АҚШ доллари миқдорида валюта тушумига эга бўлинди.

Қолаверса, ўтган йили “Қишлоқ қурилиш банк” тизимида жами 749,5 млн. АҚШ долларилик 648 та импорт шартномаси рўйхатга олинди. Импорт шартномалари бўйича ҳисобот йилида 88,3 млн. АҚШ доллари миқдорида тўловлар амалга оширилди. Шундан чет эл молия институтлари томонидан ажратилган кредит линиялари ҳисобидан жами 10,6 млн. АҚШ долларилик 33 та лойиҳа молиялаштирилди.

### Пластик карточкалар ва терминаллар афзаллиги

Диққатга молик жиҳати шундаки, “Қишлоқ қурилиш банк” республикамиз аҳолисига кўрсатилаётган чакана хизматлар ҳажмини режа асосида амалга ошира бориб, жалб қилинган омонатлар салмоғини йилдан-йилга орттирмоқда. Банк томонидан депозитларнинг сифат таркибини яхшилаш, жалб қилинган маблағлар таркибида муддатли, жумладан, узоқ муддатли депозитлар улушини кўпайтириш, аҳолининг банкларга бўлган ишончини ошириш мақсадида 2012 йилда янада қулай ҳамда икки томонлама манфаатли 30 дан ортиқ янги омонат турлари таклиф этилди. Пировардида 2013 йил 1 январь ҳолатига кўра, аҳолининг банкдаги омонатлари қолдиғи 80,1 млрд. сўмни ташкил этди.

Нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳамда аҳоли иштирокидаги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини ривожлантириш борасида ҳам банк томонидан изчил фаолият юритилди. Хусусан, муомаладаги банк пластик карточкаларининг умумий сони 2013 йил бошида 231,3 мингтага етказилди.

Банк томонидан пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш сифатини ошириш мақсадида эса “Smart-Vista” карточкаларидан фойдаланувчиларга “SMS-Banking” хизмат тури жорий қилинди. Бунда пластик карточкаларга маблағ келиб тушганда ва улар орқали тўлов ўтказилганда, шу заҳоти мижоз мобиль телефонига SMS-хабар юборилади.

Ахборот-коммуникация технологияларига асосланган “SMS-банкинг”, “Интернет-банкинг”, “Банк-мижоз” каби банк хизмат турлари доираси ҳам тобора кенгайиб бормоқда. 2012 йил якунига кўра, “SMS-банкинг” жорий қилинган мижозлар сони 7051, “Интернет-банкинг” ва “Банк-мижоз” тизимлари жорий қилинган мижозлар сони 1057 нафарга етди.

2012 йил давомида банк пластик карточкалари ҳисоб рақамларига 375,2 млрд. сўмлик маблағлар ўтказилди. Банк хизмати, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш объектларида ўрнатилган терминаллар сони 5 469 тани ташкил этиб, ўтган йил давомида ушбу терминаллар орқали 490,0 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилди. Шунингдек, банк томонидан бултур 20 000 донадан ортиқ пластик карточкалар муомалага чиқарилиб, банк филиалларига 1300 та терминал етказиб берилди.

### Мухтасар айтганда...

Молия муассасасининг иқтисодий салоҳияти юксалиб, сифатли хизматлар кўрсатиш кўлами кенгайиб бораётгани мижозларнинг унга бўлган ишончини тобора ошираётир. Шу маънода, банк фаолиятининг ҳар йилги натижалари ташқи аудиторлик компаниялари томонидан ўрганилиб, уларнинг халқаро стандартларга мослиги эътироф этилаётгани бежиз эмас.

Банкнинг молия хизматлари бозорида тутган мавқеи ва фаолиятида қўлга киритилаётган ижобий натижалар инобатга олиниб, **“Moody‘s Investors Service”** халқаро рейтинг компанияси томонидан ушбу молия муассасасига аввалги берилган халқаро рейтинг баҳоси 2012 йилнинг декабрь ойида “Позитив” прогнози билан, шунингдек, “Ahbor-reyting” рейтинг агентлиги томонидан банк фаолиятига миллий рейтинг шкаласи бўйича берилган UzA+ кредит рейтинги баҳоси 2012 йилнинг октябрь ойида барча рейтинглар бўйича “Барқарор” прогнози билан қайта тасдиқлангани ҳам шундай дейишимизга асос бўла олади.

Дарҳақиқат, банкнинг янада равнақ топиши, мижозларга хизмат кўрсатиш миқёсининг ортиши, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг барқарор ривожланиши ва аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилмоқда.

**Банк матбуот хизмати.**



# Ўз овозинг, ўз сўзинг, ўз йўлинг бор дунёда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Қолаверса, ёшлар орасида соғлом маънавий-руҳий муҳит, юксак ахлоқ ва маданиятни шакллантириш ҳам кенгашнинг асосий вазифалари сирасига киради. Соҳага дахлдор ташкилотлар билан биргаликда чақирувга тайёрланаётган ўспиринлар ва ҳарбий хизматчиларнинг маънавияти ва дунёқарашини кенгайтириш, ёнатрофда рўй бераётган ҳодисаларга муносабати ва ҳаётий позицияларини шакллантириш, Ватан тақдири, унинг мустақиллиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун шахсий масъулиятини кучайтириш биздан катта эътибор ва куч-имкониятларни сафарбар этишни талаб қилади.

Кенгаш раиси сифатида мен ҳам бир қатор ҳарбий қисмларда бўлдим, офицер, сержант, аскарлар, олий ҳарбий таълим муассасаларида курсантлар билан ташкил этилган учрашувларда қатнашдим, улар билан суҳбатлашдим. Аскарларнинг яшаши ва ҳордиқ чиқариши учун яратилган шарт-шароитлар диққатимни тортди. Қисмлардаги кутубхоналар, маънавий-маърифий тайёргарлик хоналарини айтмайсизми?! Ҳарбий адабиётлардан ташқари бадиий ва тарихий асарлар ҳам кўп экан. Ватан ҳимоячиларининг китобсеварлиги, билимга интилишига ҳавасингиз келади. Умуман, ана шу тадбирларда бугунги армиямиз ҳақидаги тасаввуримиз янада бойиди. Ихчамлашган, тезкор, профессионал замонавий армия афзалликларининг бевосита гувоҳи бўлиб, Ўзбекистон ўз ҳудудий дахлсизлиги ва тинчлик-осойишталигини таъминлашга қодир Қуролли Кучларига эга эканлигидан чексиз ғурур ҳиссини туйдим. Бу ғурурни бизга Юртбошимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони берди.

Бу қадар буюк тубислоҳотни амалга ошириш учун эртанги кун тараққиётини аниқ-тиниқ кўра олиш зарурлигини биз энди аста-секин тушунаяпмиз. Ислоҳотлар натижасида Ватанни ҳимоя қилиш шарафли касбга айланди. Ҳарбий хизматчиларнинг нуфузи ортди. Кўча-кўйда ҳарбий либосдаги йигитга янада ҳавас ва ҳурмат билан қарайдиган бўлдик. Тақдирини юрт ҳимояси билан боғлаган асл ўғлонлар Юртбошимиз меҳрини, эътиборини, ғамхўрлигини ҳамиша юракдан ҳис қилиб яшаяптилар. Бу эътиборни ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлашдан тортиб, намунали хизмат қилган йигитларнинг олий ўқув юртига киришигача бўлган имтиёзларда кўриш мумкин.

Президентимиз, Қуролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига байрам табригида ҳарбийлар қатори биз, зиёлилар, маданият, санъат, спорт намояндалари, мамлакатимиз кенг жамоатчилиги вакиллари учун ҳам бугунги ва эртанги фаровон ҳаётга гаров бўладиган муҳим вазифаларни аниқ белгилаб бердилар.

Хусусан, давлатимиз раҳбари Қуролли Кучларимиз сафларида хизмат қилаётган ёшларда қатъий ирода ва характер, ҳаётий позицияни шакллантириш, уларнинг юксак инсоний фазилатлар соҳиби ва жисмоний чиниққан бўлишларига эришиш, ўз билим ҳамда малакасини такомиллаштириш, фан-техника янгиликларини эгаллаш, мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни ҳимоя қилиш борасидаги ўзининг ҳарбий бурчини сидқидилдан адо этиш учун интилиб яшашга хизмат қиладиган муҳитни мустаҳкамлашдек долзарб вазифаларни қўйдилар. Бу жиҳатлар, албатта, фаолиятимизнинг муҳим мезонига айланади.

Мамлакат тинч экан, тўй бор, байрам бор. Дилимизда, тилимизда шукрона:

*Шукронаким, юз йиллик занжирни узди ўғлинг,*
*Зулм истеҳкомини парчалаб, бузди ўғлинг.*
*Темурбекнинг юртида салтанат тузди ўғлинг,*
*Бобомерос шаҳдимсан, ғуруримсан, аҳдимсан,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!*

*Худо деган элимни Парвардигор қўллади,*
*Толеига жасорат соҳибини йўллади,*
*Матонатдан яшнаб юрт, заковатдан гуллади,*
*Бобомерос шаҳдимсан, ғуруримсан, аҳдимсан,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!*

*Бу кунларга етолмай узилган жонлар қанча,*
*Ватаним, деб айтолмай умри хазонлар қанча.*
*Жувонмарг зотлар қанча, жони қурбонлар қанча,*
*Бобомерос шаҳдимсан, ғуруримсан, аҳдимсан,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!*

*Осмонларим мусаффо, ҳаволар қандай ширин!*
*Адирларда қўшиқлар, наволар қандай ширин!*
*Неъмат борми беминнат буғдойи нондай ширин!*
*Бобомерос шаҳдимсан, ғуруримсан, аҳдимсан,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!*

*Миллионлаб кўнгилларга қанот берди Истиқлол,*
*Дилларни уйғотувчи баёт берди Истиқлол,*
*Қадим юртга янги жон, ҳаёт берди Истиқлол,*
*Бобомерос шаҳдимсан, ғуруримсан, аҳдимсан,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!*

*Ўзбекистон, кўзлаган манзилинг бор дунёда,*
*Ўз овозинг, ўз сўзинг, ўз йўлинг бор дунёда.*
*Ҳеч кимдан кам бўлмайсан — мард ўғлинг бор дунёда,*
*Бобомерос шаҳдимсан, ғуруримсан, аҳдимсан,*
*Тақдиримсан, бахтимсан, эркин ва обод Ватан!*

**Иқбол МИРЗО,**
**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси, халқ шоири.**

# Юксак салоҳиятли кадрлар тайёрлаш – давр талаби

*Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида видеоконференция ташкил этилди. "Uzbekistan Today" ахборот агентлиги ҳамкорлигида амалга оширилаётган "Келажакни қурамиз" лойиҳаси доирасидаги ушбу тадбирда олий таълим тизимида архитектура ва қурилиш соҳасида кадрлар тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.*

## Конференция

Унда тегишли вазирлик ва идоралар ходимлари, Тошкент, Самарқанд давлат архитектура қурилиш, Жиззах, Фарғона политехника институтлари, Қорақалпоқ ва Урганч давлат университетлари ҳамда Наманган муҳандислик-педагогика институти мутахассислари ўз маърузалари билан иштирок этишди.

Анжуман мамлакатимиздаги барча олий ўқув муассасаларини бирлаштирган миллий "Электрон таълим" тармоғидан фойдаланган ҳолда ўтказилди.

Маълумки, бугунги кунда юқорида номи тилга олинган таълим масканларида архитектура ва қурилиш йўналишидаги мутахассисларнинг асосий қисми тайёрланмоқда. Шунингдек, Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти ва пойтахтимиздаги Турин политехника университети фаолиятида ҳам мазкур йўналиш алоҳида ўрин эгаллайди.

Таъкидланганидек, истиқлол йилларида мамлакатимизда шаҳарсозлик, қишлоқларни ободонлаштириш, янги иншоотлар ва ижтимоий объектларни қуриш, архитектура ёдгорликларини реставрация ва консервация қилиш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Буларнинг барчаси юртимиз қиёфасини янада кўркамлаштириш, замонавийлаштириш, мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини бундан-да юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Шубҳасиз, ушбу бунёдкорликларни сифат ва даража жиҳатидан янада самарали рўёбга чиқаришда малакали кадрларнинг ўрни алоҳида.

Конференцияда соҳада ўқув жараёнлари фан ва ишлаб чиқаришнинг узвий боғлиқлигида олиб борилаётганига алоҳида урғу берилди. Масалан, талабалар ўқитувчилар раҳбарлигида объектларни барпо этиш жараёнларида бевосита иштирок этмоқдалар.

Шунингдек, видеоконференцияда талабаларнинг битирув-малакавий ишлари ҳамда магистрлик диссертациялари намойиши ҳам ташкил қилинди.

**М. ҚОСИМОВ.**

## Биз ва жаҳон

*Яқинда Боку шаҳрининг марказида жойлашган "Zeytun" ресторанида ўзбек миллий таомлари ҳафталиги бўлиб ўтди. Мамлакатимизнинг Озарбайжондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур тадбирда шаҳар жамоатчилиги вакиллари ва Боку меҳмонлари ҳозир бўлдилар.*



# Ўзбек миллий таомлари Озарбайжонда тақдим этилди

Ўзбекистон ошпазлар уюшмасининг йўлланмаси билан юртимизнинг моҳир ва тажрибали пазандаларидан бири — Камолжон Тоғаев ушбу ҳафталикда иштирок этди. Ҳафталик чоғида унинг қатнашчилари нафақат палов, норин, қозонкабоб, лағмон, мастава, сомса, гулхоним сингари ўзбек миллий таомларидан татиб кўриш, балки уларни тайёрлаш жараёнининг бевосита гувоҳига айланиш ҳамда мутахассислар маслаҳатларини олиш имкониятига ҳам эга бўлишди.

Ушбу тадбир Озарбайжон пойтахти жамоатчилиги вакилларида катта қизиқиш уйғотиб, шаҳар ҳаётидаги муҳим воқеалардан бири сифатида эътироф этилди. Маҳаллий журналистларнинг таклифига кўра, ўзбекистонлик ошпаз К. Тоғаев "Lider" ва "Hazar" телеканалларида маҳорат дарсларини намойиш қилди.

Шунингдек, ҳафталик доирасида ўзбек халқ амалий санъати намуналарининг кўргазмаси ҳам ташкил этилди. Юртимизнинг қўли гул усталари ясаган миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари маҳаллий аҳоли ўртасида катта қизиқиш уйғотди.

Ҳафталикдан олган таассуротларидан ўртоқлашар экан, **"Zeytun" ресторанининг масъул ходими Шомил САИДОВ** қуйидаги фикрларини билдирди:

— Мазкур лойиҳанинг муваффақиятли чиқишига шубҳам йўқ эди, аммо шуни тан олиб айтишим жоизки, бундай катта қизиқиш ва акс садони кутмаган эдим. Тадбирнинг баъзи меҳмонлари ҳар куни ўз оила аъзолари, ҳамкасблари билан келиб турдилар. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, пойтахтимиз меҳмонлари ҳам ҳафталикка нисбатан алоҳида қизиқиш билдирдилар. Бу ўзбек миллий таомлари ҳамда маданиятининг бутун дунёда ҳурмат ва эътибор қозонганидан далолат беради.

**"Мюзик галлери" компаниясининг бош директори Сергей СИГЛОВ:**

— Ўз касбим тақозоси билан маданий тадбирларда тез-тез иштирок этаман. Аммо ушбу тадбир мен учун ўзига хос янгилик бўлди. Таомлар, мусиқа, кўргазма буюмлари — буларнинг барчаси менга жуда ёқди. Тақдимот мени кўҳна тарихи, бой ва ранг-баранг маданияти ҳамда анъаналари билан бутун дунёга донг таратган Ўзбекистонга фикран саёҳат қилишга ундади.

**"Лукойл" компаниясининг Озарбайжондаги ходими Элдор Алибейли:**

— Бугунги тадбир давлатлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлида халқ дипломатияси имкониятларидан самарали фойдаланишнинг ёрқин мисоли бўлди. Шу маънода, барчамиз Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама муносабатлар тобора мустаҳкамланиб бораётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бундай тадбирлар халқларимиз ўртасидаги алоқаларнинг янада ривожланишига хизмат қилишига ишонаман.

**«Жаҳон» АА.**
Боку


● Реклама ва эълонлар ●

**«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**1.** Аукцион савдосига Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан 2012 йил 22 августдаги 27038/25-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муса Жалил кўчасидаги 118-уй такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 548 479 565 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 15 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

**2.** Аукцион савдосига Қибрай тумани СИБ томонидан 2012 йил 5 июлдаги 10549/2-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Қипчоқ» ҚФЙ, Шералиев кўчасидаги 127-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 121 719 000 сўм.***

**3.** Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2013 йил 21 январдаги 425/22-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронкўл кўчасидаги 84-уй қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 357 973 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 4 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Юқоридаги мулклар 2013 йил 4 март кунидаги савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 19 март куни бўлиб ўтади. Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулклар билан Суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳар АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

**Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Тел.: (8-371) 266-80-76.**

*Лицензия: RR-0052.* 143R/121

**ТАРОЗИЛАР** 0,0001 гр.дан 250 тоннагача

Micros Ўзбекистондаги расмий ҳамкор

CAS Корпорацияси (Жанубий Корея)

МАССА-К Акциядорлик жамияти



**ИЖАРАГА кран тарозилари бор**

Сертификатланган + Сифат + Кафолат + Сервис

- Кичик Бешёғоч к., 86 (соб. Глинка кўчаси, олдинги шаҳар ГАИси қаршисида), тел.: (+99871) 200-34-34, (қўш. 850, 858), факс: 281-43-65;
- Беруний к., («Тинчлик» метро бекати), тел.: (+99871) 120-85-85, 242-42-52, 249-39-50;
- Тўйтепа к., 5 ( Мўлжал — давлат поликлиникаси), тел.: (+99871) 232-06-61.

www.micros.uz e-mail: scales@ucd.uz, micros@ucd.uz 81R/770

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**I.** Аукцион савдосига Юқори Чирчиқ тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2011 йил 9 сентябрдаги 11-1128/12838-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Юқори Чирчиқ тумани, Янгибозор қўрғони, Чирчиқ кўчаси, 66-уйда жойлашган, умумий майдони 0,055 гектар, қурилиш майдони 400,16 кв.м.дан иборат бўлган дўкон биноси такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 312 000 000 сўм.***

**II.** Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:

**1.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 12 июндаги 11-1224/4591-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «ФАРАЗ ЛТД» қўшма корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Р. Назирова кўчаси, 30-уйда жойлашган, умумий ер майдони 3523,25 кв.м. бўлган таъмирталаб, қаровсиз ҳолдаги маъмурий бино, 2 та омборхона, бостирма, қоровулхонадан иборат кўчмас мулк бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 418 402 260 сўм.***

**2.** Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 18 июндаги 11-1224/5433-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Техно Дроп Инвест» МЧЖга тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл шаҳри, Самарқанд кўчаси, 158-уйда жойлашган, умумий ер майдони 288,85 кв.м. бўлган таъмирталаб, 0001-литердаги маъмурий бино, 0002-литердаги қўшимча қурилиш ва 0003-литердаги омборхонадан иборат тикув цехи бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 388 262 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 7 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 5 февраль куни соат 18.00.

**III.** Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2012 йил 22 октябрдаги 11-1236/9722-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Ваҳобжон Савдо сервис» хусусий корхонасига тегишли, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, «Қуш Ёғоч» ҚФЙ, Эпкенди маҳалласида жойлашган, умумий ер майдони 22,887 гектардан иборат, 0001-литердаги маъмурий бино, 0002-литердаги дам олиш хонаси, 0003-литердаги омборхона, 0011-литердаги дам олиш биноси, 0012-литердаги товуқхона биноси, 0003-литердаги қоровулхона биносидан иборат чорвачилик фермаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 242 770 000 сўм.***

***Аукцион савдоси 2013 йил 22 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2013 йил 20 февраль куни соат 18.00.

Мазкур кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Ушбу кўчмас мулклар бўйича хабарнома аввал «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2013 йил 19 январдаги 5-сонида чоп этилган.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

**Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш к., 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz**

*Лицензия: RR-0001.* 147R/1453

Андижон шаҳрида фаолият кўрсатаётган

**«RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖ**

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.**

Аукцион савдосига Суд ижрочиларининг Андижон тумани бўлими томонидан қуйидаги бино-иншоотлар қўйилмоқда: Андижон вилояти хўжалик судининг 2012 йил 14 ноябрдаги 17-1211/9482-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Андижон тумани, «Оқ-ёр» ҚФЙ, «Полосон» МФЙ ҳудудида жойлашган, «Собиржон Ҳожи» хусусий корхонасига тегишли ишлаб чиқариш биноси, тўқув биноси ва қоровулхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 350 000 000 сўм.***

Ушбу бино ва иншоот (кўчмас мулк)ларга қизиқиш билдирган талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоси 2013 йил 1 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йил 1 март кунидаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 15 март ва 29 март кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлардан аризалар савдо бошланишидан бир кун олдин соат 18.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилиши лозим:

— жисмоний шахслар паспорт нусхаси, агар уларнинг вакили бўлса, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома;

— юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва низом нусхаси. Савдода ваколатли шахс қатнашган тақдирда, қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишончнома.

Талабгорларнинг аризалари Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 107-хонада иш кунлари соат 9.00 дан 18.00 га қадар қабул қилинади.

Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг ўн фоизи миқдоридаги гаров пулини тўлов ҳужжатида тўлов мақсадини аниқ кўрсатган ҳолда, савдо ташкилотчиси — «RIELTOR EKSPRESS KONSALTING» МЧЖнинг ХОАББ «Трастбанк» Андижон шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704927796001, МФО: 01074, СТИР: 302067760.

Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти иштирокчиларга эълон қилинади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги ПҚ-458-сонли қарорининг 7-иловасида қайд этилган «Аукцион ўтказиш тартиби»га асосан, аукцион ғолиби 5 (беш) банк иш куни ичида мулк учун тўланиши лозим бўлган тўловларни тўла амалга ошириши шарт.

*Лицензия: RR-0026.* 141R/1201

**Маълумот учун манзил: Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 30-уй. Мўлжал — Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 1-қават, 107-хона. Телефон: (+998 93) 910-11-12.**


## ОБ-ҲАВО

(30 январь)



| | | |
|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | 0 +5 / +2 +7 | 0 +5 / +5 +10 |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +4 +9 | +15 +20 |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +3 +8 | +13 +18 |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | 0 +5 | +7 +12 |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +3 +8 | +13 +18 |
| Тошкент шаҳрида | +4 +6 | +16 +18 |


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 154. 130 499 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.15 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5